

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОЛЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 23 (1202) 2019 йил 6 июнь

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank\_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



АНЖУМАН

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚИЗФИН МУҲОКАМАДА



Ўзбекистон Республикаси Марказий банкida "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишиланган анжуман бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий банк департамент директорлари, Жаҳон банки эксперлари, тижорат банклари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда дастлаб, Пул-кредит сиёсати департаменти директори Беҳзод Ҳамроев

йигилгандарга охирги икки йил ичидаги Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатида олиб борилган ишлар, нархлар барқарорлигини тъъминлаш, инфляцияни жиловлаш борасида олиб борилган чора-тадбирлар хусусида батафсил тұхталиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада)



ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси биноси фойдаланишга топширилиши муносабати билан расмий тадбир бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва ташкилот мутасаддилари, ҳудудлардан таклиф этилган илғор асаларичилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## АСАЛАРИЧИЛAR УЮШМАСИ ЯНГИ БИНОДА

Расмий маросимда АТ "Алоқабанк" Бошқаруви раиси Үрингбосари Ҳасан Раҳматов сўзга чиқиб, банк ва Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ҳамкорликда асаларичилар тармогини ривожлантириш борасида кўплаб амалий ишлар қилаётгани ва уларнинг

самаралари ҳақида сўз юритди. Шунингдек, мазкур замонавий иншоотнинг ишга тушиши уюшма фаолиятининг янада жонланишига турткি беради, дея таъкидлари Ҳ. Раҳматов.

(Давоми 3-саҳифада)



УШБУ СОНДА

ХАЛҚ БАНКИ  
ҲАР БИР ОИЛАНИ  
ТАДБИРКОР  
ҚИЛИШ  
ҲАРАКАТИДА



БОЛАЛАРГА  
БАХТ  
УЛАШИБ...



БАНК-МОЛИЯ  
АКАДЕМИЯСИ  
ҲАМКОРИМИЗ



Халқ банки томонидан банк тизимиға қатор янги хизмат турлари жорий этилаётки, бу юртимиз банк бозорида катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Айниқса, кейинги пайтада банк томонидан "Интернет банкинг", "Корпоратив мобил банкинг" каби хизматларнинг ишга туширилиши мижозларга бир қатор қуладиллар яратди.

Жумладан, улар мазкур онлайн хизматлар орқали ўз ҳисобрақамларини дунёнинг исталған нұктасидан бошқаришлари, маблағларни ўз ҳисобрақамидан бошқа банкнинг ҳар қандай рақамига ўтказиши, пул айлан-

маси ҳаракатлари ҳақида маълум олиши, шунингдек, ўз ҳисобрақамларини мобил илова орқали ҳар қандай жойдан бошқариш имконига эгалар.

(Давоми 3-саҳифада)

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚИЗГИН МУҲОКАМАДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундан сўнг, Жаҳон банки экспертлари гурухи аъзоси Микель Дэйкман "Банкларни назорат қилиш ва қайта тиклаш бўйича халқаро тажриба" мавзусида маъруза қилди. У ўз чиқишида айрим давлатларнинг банк тизимини назорат қилиши соҳасидаги тажрибалари хусусида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорлиқда ишлаб чиқилган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ва ютуқлари ҳақида ҳам сўз юритиб, ўз таклиф ва тавсиялари билан ўртоқлаши.

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва тижорат банклари вакиллари ҳамда Жаҳон банки экспертлари қонун лойиҳасини муҳокама қилиши. Қизиқарли кечган муҳокамада депутатлар халқаро экспертлар билан бир даврада ўтириб, мазкур қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш керак, деган таклифни илгари суриди. Бунга жавобан Жаҳон банки вакиллари ҳам бу борада ҳамкорликка доим тайёрлигини билдири.

Тадбир сўнгидаги Марказий банк департamenti директори ўринбосари Нурсатилла Фозиловдан қонун лойиҳасининг аҳамияти хусусидаги фикрини олдик.

– Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2018 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, – деди мутахассис. – Қайд этиш лозимки, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этишда банк тизимини назорат қилувчи органнинг халқаро стандартларга мувофиқ назорат тизими мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Банкларни назорат қилишнинг шаффоғ тизими яратилганлиги хорижий инвесторлар маблағларининг мамлакатимиздаги эркин ҳаракати гарови ҳисобланади.

Халқаро амалиётда банк фаолиятини назорат қилиш ва тартибиға солишга оид қонун хужжатлари банк назорати бўйича Basel қўмитасининг асосий тамоиллари асосида ишлаб чиқилмоқда. Бунда мазкур тамоилларга мувофиқ, банк тизимини назорат қилувчи органнинг автономлиги ва етарли ваколатларга эга бўлиши кераклиги белгилаб кўйилган.

Биз тайёрлаган мазкур қонун лойиҳасининг мақсад ва вазифаларида ҳам халқаро Basel қўмитасининг "Банк назоратининнинг асосий принциплари", шунингдек, банк фаолиятини амалга оширишнинг илфор хорижий тажрибалари, умумзетирироғ этилган нормалари, стандартларни чуқур ўрганишдан келиб чиқиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Бунда Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда иш олиб бораёттанимиз ўз самарасини берәтири.

Янги лойиҳада қуидагилар назарда тутилмоқда:

Биринчидан, банк ташкил этиш учун дастлабки рухсат бериш, уни давлат рўйхатига олиш ва фаолиятини лицензиялаш тартиби, шунингдек, инвесторлар Марказий банк рухсатини олмасдан банк акцияларини сотиб олиши тартиби такомиллаштирилмоқда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади

Шунингдек, амалдаги тартибда – резидентлар 20 фойиздан ортиқ акцияларни, норе-зидентлар эса сотиб олинаётган акциялар миқдоридан қатъи назар рухсат олиши зарур, қонун лойиҳаси билан эса барча субъектлар учун бир хил беш ва ундан ортиқ фойиз акцияларни сотиб олиша рухсат тартиби белгиланмоқда.

Иккинчидан, банкларни пруденциал назорат қилиш тизими жорий этилмоқда. Яни пруденциал назорат – бу банк фаолиятига чеклов ўрнатиш орқали эмас, балки банкнинг капитали, ликвидилиги ҳамда таваккалчиликларни бошқариш ва акциядорлар, омонатчилар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган кўрсаткичлар белгилаш орқали назорат қилиш усулидир. Бунда мазкур назорат тизими:

– банкларга пруденциал нормативлар ( капитал монандлиги коэффициентлари, бир қарз олувчи ёки бир-бiriга дахлдор қарз олувчилар гурухи учун келувчи таваккалчиликларнинг ва инвестицияларнинг энг юкори даражаси, ликвидилик коэффициентлари, активлар сифатини таснифлаш, сотиб олинидиган акцияларнинг энг кўп миқдори, очик валюта позицияси лимитлари ва бошқалар) ўрнатиш;

– банкларнинг молиявий ҳолати ёмонлашганда уларни тиклаш режасини ишлаб чиқиш;

– банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузиши тартибиға солиш;

– банк таваккалчиликларини бошқариш тизимиға талаблар ўрнатиш, шу жумладан, хатарларни бошқариш ва стресс-тестларни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Учинчидан, банкларнинг хизмат ва операцияларининг айрим турларини аутсорсингга бериш имконияти яратилмоқда. Бунда ҳисобрақам очиш, кредит расмийлаштириш каби банкларнинг айрим хизматларини аутсорсингга, яъни бошқа тадбиркорлик субъектларига топтишириш назарда тутилмоқда.

Тўртинчидан, банкларни қайта ташкил этиш, шунингдек, ихтиёрий ва мажбурий тугатиши жараёнлари тартибиға солинмоқда. Бунда, банкни қайта ташкил этиш, лицензијани қаҳириб олиши асослари, банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш, шу жумладан, ихтиёрий ва мажбурий тугатиши ҳамда тугатувчининг ваколатлари ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасидан кутилаётган натижалар шундан иборатки, аввало, банкларни тартибиға солиш ва назорат қилиш, хусусан, банкларни пруденциал назорат қилиш тизими такомиллашади. Шунингдек, банкларнинг корпоратив бошқарувида ислоҳотлар амалга ошириш орқали уларнинг бошқарув тизими самарадорлиги ошади. Булар қаторида банинг хизматлари истеъмолчилиари ҳукуқлари ҳимояланishi таъминланади ҳамда банк хизматларининг оммаболлиги сезиларни даражада ўсади. Шу билан бирга банк фаолиятини тартибиға солиш тизими халқаро стандартлар билан уйғуналашувига эришилади.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республика банк тизимининг барқарорлигини оширишга, банклар ўтасида соглом рақобат муҳитининг яратилишига, омонатчилар ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиласи.

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади

F FINANCEUZ хабар қилади

### "ALSKOM-VITA"ГА ЯНГИ ЛИЦЕНЗИЯ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегиши буйруғига асосан "ALSKOM-VITA" масъулияти чекланган жамият шаклидаги супурта компаниясига ҳётни супурта қилиш тармоғида I, II, III, IV класслар бўйича ва умумий супурта тармоғида 1 ва 2 класслар бўйича ихтиёрий супуртани амалга ошириш учун 2019 йил 29 майдаги СФ 00243-сонли лицензия берилди.

### КИТОБ – САМИМИЙ ДЎСТ



31 май куни "Агробанк" АТБ Бош офиси ва банкнинг Тошкент шаҳар филиалида "Китоб уйи" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида "Китоб – энг самимий ва содиқ дўст" мавзусида китоб ярмаркаси ўтказилди.

Китоблар савдо-кўргазмасида банкнинг раҳбар ва ходимларига илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳукуқий адабиётлар, болалар ва ўсминалрга мўлжалланган китоблар тақдим этилди.

### "ҲАМКОРБАНК" UZCARD UNIONPAY КАРТАСИНИ ЭМИССИЯ КИЛИШНИ БОШЛАДИ



"Ҳамкорбанк" кобайдж картаси – UnionPay ва Uzcard тўлов тизимларининг кўшма картаси бўлиб, ўзида ҳар иккى тизим имкониятларини мужассам этади. Ушбу карта билан мамлакат ҳудудида миллий валютада ва чет элда АҚШ долларида фойдаланиш мумкин, бу тифайли қўшимча халқаро карта расмийлаштиришга ҳожат бўлмайди.

### ЯНГИ СУФУРТА ЖОРӢЙ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан жорӣй йилнинг 27 майдидан бошлаб "XALQ SUG'URTA" компаниясига "Ихтиёрий ва мажбурий супурталарни амалга ошириш" учун лицензия берилди. Ушбу лицензия орқали "XALQ SUG'URTA" компанияси супурта фаолияти бўйича бир қатор янги хизмат турларини жорӣ итади. Хусусан, транспорт воситалари эгаларининг ва иш берувчининг ҳамда ташувчининг фуқаролик жавобгарликларни мажбурий супурта қилиш хизмати янгидан ташкил этилди. Бундан ташқари, курилиш-монтаж таваккалчилигини ҳам мажбурий супурта қилиш ваколатига эга бўлди.

"XALQ SUG'URTA" компанияси томонидан яратилган мазкур янги имкониятлар биринчи наебатда, тадбиркорларга ўз бизнесларини ҳимоя қилиш имкониятини бешибигина қолмай, фуқароларнинг сифатли турмуш кечиришларини кафолатлашга хизмат кўрсатади.

## КАМ ҲАРАКАТ – КҮП АМАЛИЁТ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Бундан ташқари мижозларга қўшимча қўйликлар яратиш ҳамда банк томонидан кўрсатилаётган масофавий хизматлар жозибадорлигини ошириш мақсадидаги мазкур тизим фойдаланувчилари хисобрақамларидан пул ўтказиш жараёнида филиал бош бухгалтери иштирокисиз ҳамда филиал вакиллик хисоб ракамидаги маблағлар бўлиш бўлмаслигидан қатъни назар амалга оширилиши мумкин.

Умуман олганда, буғунги кунда Халқ банкининг 30 мингдан ортиқ мижози мазкур масофадан туритиб бошқариладиган банк хизматларидан фаол фойдаланмомда.

Бу хизмат ҳақида гап кетганда, Халқ банкининг "Xalq mobile" мобил иловаси доимий фойдаланувчилар сони тобора ортиб бораётганини тъъкидлаш ўринидир. Бу илова орқали ми-

жозлар 270 га яқин турли операцияларни бажариши мумкин. Жумладан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, мазкур илова ёрдамида коммунал тўловлар бўйича қарийиб 700 млрд. сўм, конверсия операциялари бўйича 70 трлн. сўмдан ортиқ, картадан картага пул ўтказиш бўйича 1,2 трлн. сўм, кредит сўндириш бўйича 1,3 трлн. сўмлик амалиётлар бажарилган.

– Бу рақамлардан шу англшиладики, аҳолимизнинг монавий саводхонлиги ошиб, янгиликларга, қўйли хизматларга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Қисқа фурсатда, биргина коммунал тўловларнинг ўзида 2018 йил сентябрь ойдан буғунги кунга қадар 700 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилганини ҳам салмоқли натижа дейиш мумкин. Бундан кўринадики, бир-икки йил ичида аҳолимиз кассаларга бориб тўлов қилиш, навбат кутиш

каби оворагарчиликларни умуман унутади. Кассирлик хизматига эҳтиёж қолмайди. Банк хизматларининг барча амалиётлари онлайн тарзда юритилади. Бугун республикадаги барча тижорат банкларининг асосий мақсади ҳам шунга қаратилган. Бу борада банкимиз жамоаси жиддий иш олиб бормоқда. Мобил иловани яна мукаммалаштириб, масофавий хизматлар кўламини кенгайтияпмиз. Мижозларимизга кам ҳаракат қилиб, кўп амалиёт бажаридиган куляп тизим яратишга ҳаракат қилияпмиз, – дейди Халқ банки Ахборот технологиялари департаменти директори Улуғбек Диляров.

Таъкидлаш лозимки, Халқ банкида мижозларга ҳисоб рақам очиш, корпоратив мобил банкинг ҳамда Интернет банкинг хизматларидан фойдаланиш мутлақо бепул амалга оширилмоқда. Мижозлар учун 24/7 режимда ишлар ташкил этилган. Яъни энди Халқ банки мижозлари ҳафтасига етти кун исталган пайти ҳисоб рақамидаги маблағларни филиал руҳсатисиз бошқа Халқ банки мижози рақамига эркин тасарруф этишлари мумкин.

Шунингдек, Халқ банки томонидан электрон банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида яқинда Тезкор хизматлар маркази ишга туширилди. Ушбу марказда юртимиз молия бозори талабидан келиб чишиб, замонавий банк хизмат турлари ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ**

АСАЛАРИЧИЛAR  
УЮШМАСИ ЯНГИ БИНОДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Қайд этиш жоизки, АТ "Алоқабанк"нинг молиявий кўмаги асосида Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси биноси тўлиқ капитал тъмирланиб, замонавий усуналар билан жиҳозланди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон асаларичилари уюшмасининг капитал реконструкция қилинган бино-

сида республиканинг барча ҳудудий уюшмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи уюшма маъмурини, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келтирилган турли ассортиментга эга бўлган асал ва асаларичилар махсулотларига эга "Асал олами" савдо маркази, асаларичиларка ихтисослашган ветеринар дорихона, асал-

ричилик ускуналари ва замонавий технологик линияларини лизинг асосида етказиб берувчи "ALOQUALIZING" МЧЖ фаолияти, асалари махсулотлари ва асаларичиларни чақтириш билан даволашга ихтисослашган "Апитерапия" тиббиёт маркази, асал сифатини аниқловчи лаборатория марказлари билан танишдилар.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ташкил қилинган вақтдан бўён Ўзбекистондан асал экспорт қилиш бир неча бараварга ошиди, асалари пакетларини экспорт қилиш 1,5 баробарга кўпайди ва уларнинг сони 207 минг донага етди, умумий валюта тушумлари бир ярим марта ортди. Шунингдек, 2018 йилда юртдошларимиз дастурхонига 17 минг тоннадан ортиқ асал махсулотлари етказилиб берилиб, аҳоли жон бошига асал ишлаб чиқариш ярим




килограммни (0,5 кг) ташкил эти.

Хозирги кунда мамлакатимизда 14 мингдан ортиқ асаларичилар субъектлари фаолият олиб бориб, 870 мингдан ортиқ асалари оиласаларини боқиб келмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан асаларичилар соҳасида ҳар йили 15% ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йил ҳам ана шу жадал ўсиш давом этиб, республи-

камизда асал етишириш ҳажмини 19 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Қисқасини айтганда, давлатимиз томонидан соҳани кўллаб-куватлашга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Энг асосийси, мана шу кўмакни асаларичиларнинг ҳар бири ўз иш фаолиятида сезиб, тармоқнинг янада ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

**Малика ПУЛАТОВА**



## ХАЛҚ БАНКИ ҲАР БИР ОИЛАНИ ТАДБИРКОР ҚИЛИШ ҲАРАКАТИДА

Ўзбекистонда кейинги йилларда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада тадбиркорлик фаолияти кундан-кунга тараққий топиб, янги-янги иш ўринлари яратилипти.



Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори юртимида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириши, айниқса, аҳолининг нафакат бандлигини таъминлаш, балки турмуш фаровонлигини яхшилаш йўлдаги муҳим ҳуқуқий хужжат бўлиб хизмат килмоқда.

Бевосита Халқ банки томонидан "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури ижорини таъминлаш мақсадида

жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 297,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 14 868 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса бу йўналишда жами 524,4 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 32 487 та янги иш ўринлари яратилди. Бу рақамлар тобора иқтисодиёти ривожланниб келётган Ўзбекистонда

**Айни кунда ҳукуматимиз томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида олиб борилётган саёй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, минглаб оиласлар ишбилармонликнинг бошини тутмоқда. Бу уларнинг рўзгорини бут қилиши баробарида юрт фаровонлиги-но ҳудудлар ривожига ҳам омил бўлаётir.**

Бу борада "Туронбанк" АТБ филиаллари ҳам республикамиз бўйлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширилмоқда. Айниқса, оиласлар бизнесни ривожлантиришга қаратаётган эътибори самарали кечётir. Бу ҳақда "Туронбанк" АТБ Банки стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти директори Абдулазиз Қодиров шундай дейди:

– Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 7 мартағи "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласлар тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижорини таъминлаш банкимизнинг доимий эътиборидаги масалалардан биридиr. Бу борадаги ишларнинг амалий натижаларига тўхталарадиган бўлсак, банкимиз томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъ-

бандлик масаласидаги муммоловарни бартараф этиш, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириш борасидаги ўзига хос йўл бўлиб хизмат килмоқда.

Бу орада Халқ банки йилига ярим миллион нафардан кўпайиб бораётган республикамиз фуқаролари рўзгорининг бутлигига эришиш, одамларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масасини ҳал этишини, ҳар бир оиласига тадбиркорлик ресурсларидан фойдаланишига кўзлаб-шароитлар яратишни мақсад қилган. Қисқача айтганда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида бугунги кунга қадар 46 749 та лойиҳага 821,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилид. Ушбу лойиҳалар аҳоли фаровонлигини таъминлашда дастурлиламал бўлмоқда.

Бунинг биргина мисоли, ичимлик сувини қадоқловчи фирма очиши мақсад қилган Махмаджон Бозоровнинг нияти ушбу дастур доирасида амалга ошироқда. Яъни "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурида Бозоров Халқ банкidan 200 млн. сўмлик кредит олиб, айни пайтда янги фирмани ишга тушириш ҳаракатида. Бу орқали тадбиркор қўшимча ишчи таъминларни яратиш ҳамда шаҳарда ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишини мақсад қилган.

Қўшимча ресурслар аҳоли-



нинг фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади, шу сабабдан ҳам бугунги кунда Халқ банки ҳар бир истиқболли лойиҳа эгаарини қўллаб-куватлаш келмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартағи "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласига тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тасдиқланди. Ушбу қарор ижороси доирасида амалга оширилаётган ишларни наманганилик тадбиркор аёл Отабоева Шахзода мисолида кўришимиз мумкин. У Халқ банкidan 13 млн. сўмга яхин кредит олиб, оила аъзолари билан бирга иссиқхона куришга муваффак бўлди. Айни пайдада иссиқхонада турли кўкатлар ҳамда помидор етиширилмоқда.

Умуман олганда жорий йилда биргина Халқ банки томонидан барча молиялашманбалари ҳисобидан дастур доирасида 1 135,4 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш режалаш-

тирилган. Эътиборлиси, ушбу қарор ижоросини таъминлаш мақсадида, Халқ банки Бошқарувида махсус бошқарма ташкил этилиб, янги 8 та штат бирлиги очилди ва малакали ходимлар билан таъминланди.

Шунингдек, банкнинг туман (шаҳар) филиаларида янги структура бўйича "Бэк" (мониторинг) ва "Фронт оғис" бўлимлари очилган бўлиб, қарор ижоросини таъминлаш мақсадида янги штат бирликлари ташкил этилиб, малакали мутахассислар билан бутланди.

Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ресурс маблағлари Халқ банки томонидан туман (шаҳар) секторлари кесимида тақсимланаб, ўз вақтида етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун Халқ банки ҳар бир оиласига тадбиркорлик субъектларига жами 15 742 та жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига жами 184,5 млрд. сўм, шундан, 9 022 таси кам таъминланган оиласларга 64,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилид. Мазкур маблағлар ҳисобига минглаб аҳолимиз иш билан таъминланди.

Бу ишларнинг амалий натижаси билан танишиш ва аҳоли билан яқиндан мuloқot қилиш мақсадида "Туронбанк" раҳбарияти томонидан май ойи давомида Навоий вилоятининг барча туманларида сайёр қабуллар ташкил этили. Аҳоли ва тадбиркор иштирокида ўтказилган мазкур учрашувларда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида имтиёзли кредитлар олишда дуч келётган айrim муммоловар, тўсиқлар жойида ҳал этилиб, қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиласиган муроҷаатлар тегишили банк мутахассислари томонидан назоратга олинди.

Тадбирлар давомида банк раҳбар ва мутахассислари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги даражасини ошириш, уларнинг оқилона қарор қабул қила олишга йўналтирилган бўлиб, бунинг ҳисобига 4,5 мингга яхин қўшимча янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланмоқда.

Агар бу ишларни ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, Навоий вилоятида ҳам бир қатор амалий иш-

## ҲУДУДЛАР РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА



ектларига 2019 йил 1 июнь ҳолатига кўра 94,8 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди. Ҳусусан, 242 та тадбиркорлик субъектларига жами 28,8 млрд. сўм, 4 861 та жисмоний шахсларга эса 66,0 млрд. сўм, шундан, 2 777 таси кам таъминланган оиласларга 18,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Бу маблағлар эвазига қарийб беш мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, жорий йилнинг қолган

7 ойи давомида аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласига тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банк томонидан 50,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, бунинг ҳисобига 4,5 мингга яхин қўшимча янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланмоқда.

Агар бу ишларни ҳудудлар кесимида кўрадиган бўлсак, Навоий вилоятида ҳам бир қатор амалий иш-

лар қилинганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, 2019 йил 1 июнь ҳолатига 15 742 та жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига жами 184,5 млрд. сўм, шундан, 9 022 таси кам таъминланган оиласларга 64,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилид. Мазкур маблағлар ҳисобига минглаб аҳолимиз иш билан таъминланди.

Бу ишларнинг амалий натижаси билан танишиш ва аҳоли билан яқиндан мuloқot қилиш мақсадида "Туронбанк" раҳбарияти томонидан май ойи давомида Навоий вилоятининг барча туманларида сайёр қабуллар ташкил этили. Аҳоли ва тадбиркор иштирокида ўтказилган мазкур учрашувларда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида имтиёзли кредитлар олишда дуч келётган айrim муммоловар, тўсиқлар жойида ҳал этилиб, қўшимча ўрганиш, текшириш ва вақт талаб қиласиган муроҷаатлар тегишили банк мутахассислари томонидан назоратга олинди.

Тадбирлар давомида банк раҳбар ва мутахассислари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлиги даражасини ошириш, уларнинг оқилона қарор қабул қила олишга йўналтирилган бўлиб, қўнимка ва ёндашувларни шакллантириш, шунингдек, ушбу билимларни ҳаётга татбиқ этиши борасида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш учун ўкув-машгуотлар ҳам ўтказилди.

Рустам ПЎЛАТОВ

**1-июн – “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”**

## “ҚУВНОҚ СТАРТЛАР”

Соф танда – соғлом ақл, деган нақлга амал қылған ҳолда, болалар соғлиги ҳамда кайфиятini янада күтариш мақсадида “Ипотека банк” АТИБ томонидан 1-июн “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” мұносабаты билан банк ходимларининг фарзандлари ўртасида “Қувноқ стартлар” спорт-соғломлаштириш мусобақаси бўлиб ўтди.



Мусобақа қызығын спорт үйинлари тарзда ташкил этилиб, болажонлар ўз гайрат ва чаққонликларини намойиш этишиди. Бир-бираидан қызықарлы мусобақалар давомида ота-оналар ўз фарзандларини қўллаб-куватлаб туришди. Мусобақа баҳона болалар ўз тенгкүрлари ичидан янги дўстлар ортиришиди. Дўстона қувноқлик кайфиятида ўтган мусобақа барчага бирдек манзур бўлди. Мусобақа сўнгига ғолиблар банк томонидан тайёрланган махсус совринлар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиришимиз

Азал-азалдан ҳалқимизда ўзгаларга меҳр-оқибатли бўлиш, меҳр-муруват кўрсатиш фазилати улуғланиб, бу қадрият асрлар оша бардавом бўлиб келмоқда. Мана шундай хайрли, эзгу ишлар “Ипотека-банк” АТИБнинг ҳам доимий амалларидан.

Шу кунларда ана шу хайрли ўмушни давом эттирган ҳолда республика “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банки томонидан 1 июн “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” мұносабаты билан хайрия акцияси уюштирилди. Мазкур хайрли тадбир “Ипотека-банк” бош официда бошланиб, унда раҳбар ва ходимлар фаол иштирок этди-лар. Тўпланган маблағларга кундалик эътиёжларга зарур бўлган гигиена маҳсулотлари, турли ширинликлар харид қилинди. Айниқса, акциядо “Мехнат филиали”нинг хиссаси катта бўлди. Улар томонидан болажонлар учун спорт кийимлари ва қизиқарли китоблар харид қилинди.

Аввало, меҳнат жамоамиз “Муруват” ногирон болалар учун 2-сон интернат уйида бўлишиди. Жамоамиз болаларнинг яшаш тарзи, уларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиши.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, моддий ва маънавий кўмакка муҳтоҳ мазкур муассаса тарбияланувчилиги хукуматимиз томонидан

## БОЛАЛАРГА БАХТ УЛАШИБ...



кўрсатилаётган чексиз эътиборнинг гувоҳи бўлдик.

Бироқ инсон меҳрга тўймас экан. Кимнингдир илиқ сўзига, кўллаб-куватлашига ва ниҳоят эътиборига муҳтоҳ бўлавераркан. Муассасада тарбияланётган жажжи болажонларнинг олам-олам орзули билан яқиндан танишар эканмиз, имконияти чекланган бўлишига қарамай, қалби юксак мэрраларни кўзлаган кичкентойлар ўйлари, қизиқишлиари билан яқиндан ўртоқлашдик. Улар ўз миннатдорчилигини куй-қўшиқлари, шеърлари ва бошқи иход номуналари билан билиришиди.

Сўнгра сафаримизни республика болалар таянч ҳаракат тизими касалликлари реабилитацияси марказида давом эттириди. Уерда ҳам ногирон, ёрдамга муҳтоҳ болалар ва ўсмирлар

билин учрашдик. Улар билан сұхбатлашиб, уларнинг гўзал дунёси билан ошно бўлдик. Улар ҳам ўз ижод номуналари, куй-қўшиқлари ва рақсларини бизлар билан баҳам кўришиди.

Банк ходимлари томонидан тарқатилган спорт кийимлари, бадий китоблар уларни янада хурсанд қилиди. Турли ширинликлар кичкентой болаларнинг мусаффо юзида миннатдорлик ҳиссини чизди. Улар юзида баҳтиёрик белгиси бизнинг ҳам қалбимизга кўчди.

Келгусида республика “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат банки меҳнат жамоаси бу каби тадбирларни янада кенг кўламда давом эттириши режалаштироқда.

**Шоира ЮЛДАШЕВА,  
“Ипотека-банк” АТИБ  
Касаба уюшмаси қўмитаси ради  
иши ўринбосари**

## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



Аҳолини, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг ёнгустувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Буни 2018 йил 27 июнда “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастурининг қабул қилинишида ҳам кўриш мумкин.

Бўниңг яна бир амалий исботи сифатида яқинда пойтактимиздаги ёшлар иход саройида бўлиб ўтган “Ёшлар бандлигини таъминлаш – ёнг мухим вазифами” мавзусидаги ёшлар форумини айтиш мумкин. Форумда ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вакиллари, “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки ходимлари ҳамда ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Форумда мамлакатимизда ёшларга оид олиб борилаётган сиёсатининг ёнгустувор йўналишлари, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бора-сида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, ёшларга эътиборни кучайтириш, ёшларга ўртасида китобхонлини тарғиб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рёбға чиқариш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича маърузалар қилиниб, ўзаро фикр олимашилди.

Форумда мамлакатимизда ёшларга оид олиб борилаётган сиёсатининг ёнгустувор йўналишлари, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бора-сида олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, ёшларга ўртасида китобхонлини тарғиб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рёбға чиқариш, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича маърузалар қилиниб, ўзаро фикр олимашилди.

Тадбир давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари, партия масъуллари иштирокида ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 ташаббусининг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Маълумки, олий ва ўрта махсус таълим масканларини битирган ёшлар ўқишини тугатиши арафасида иш излай бошлашади. Бу йўлда ёшларимизга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган ушбу форумда ёшлар ўзларини қизиқтирган соҳалар билан танишиш баробарида тенгкўрларининг янги кашфиётлари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, корхона ва ташкилот мутахассислари ёшларга ўзларида мавжуд иш ўринлари юза-сидан маълумотлар беришиди.

Форум доирасида “Ипотека-банк” АТИБ ҳам янги иш ўринлари билан иштирок этди. Ёшларнинг банк мутахассисларига берган саволларидан маълум бўлдики, уларнинг банк соҳасига бўлганд қизиқиши катта. Мазкур форум эса банк ва ёшларни бир жойга жамлаб, ўзаро фикр алмашишга имкон берди. Банк ходимлари билан яқиндан ўрнатилган алоқа ёшларга тизимга оид барча масалалар бўйича керакли маслаҳатлар олишига имкон берди.

Форум доирасида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида эса Тошкент шаҳридаги 60 га яқин тадбиркорлик субъекти 500 дан зиёд бўй иш ўрни билан қатнашиди. Ярмарка давомида 250 нафар уюшмаган ёшлар ва касб-хунар коллежи битирувчиларига йўлланма берилиди.

